

Янги йилнингиз муборак бўлсин!

www.ishonch.uz @ishonch1991@yandex.uz https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi https://t.me/ishonchgz

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2023 йил
1 январь
якшанба
№ 1 (4753)

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ВА ПРЕЗИДЕНТИГА САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги – 2023 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар, ҳукуматлар ва парламентлар, етакчи халқаро ва минтақавий ташкилотлар, таниқли давлат ва жамоат арбобларидан самимий табриклар келмоқда.

Қутловларда мамлакатимиз етакчиси раҳбарлигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланган, олиб борилаётган очиқ ва прагматик ташқи сиёсатнинг самарадорлиги қайд этилган.

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига янги муваффақиятлар ва фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва равнақ тилакларини изҳор этилган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табриklarини йўллаган:
Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**;
Хитой Халқ Республикаси Раиси **Си Цзиньпин**;
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**;
Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;
Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;
Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**;

Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**;
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири **Нарендра Моди**;
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;
Корея Республикаси Президенти **Юн Сок Ёль**;
Германия Федератив Республикаси Президенти **Франк-Вальтер Штайнмайер**;
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири **Риши Сунак**;

Италия Республикаси Президенти **Серджо Маттарелла**;
Польша Республикаси Президенти **Анджей Дуда**;
Латвия Республикаси Президенти **Эгилс Левитс**;
Сингапур Республикаси Президенти **Халима Ёқуб**;
Мўғулистон Президенти **Ухнаагийн Хурэлсух**;
Лаос Халқ-Демократик Республикаси Президенти **Тхонгун Сисулит**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;
Кувейт Давлати Амири **Наваф ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
Ироқ Республикаси Президенти **Абдуллатиф Рашид**;
Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
Янги Зеландия Генерал-губернатори **Синди Кири**;
Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари **Мария Луиза Берти ва Мануэль Чаватта**;

Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси **Михаил Мишустин**;
Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси **Валентина Матвиенко**;

Хитой Халқ Республикаси Раисининг ўринбосари **Ван Цишань**;
Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири **Ли Кэцян**;
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Чжан Мин**;
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси – Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**;
Иқтисодий тараққиёт ташкилоти бош котиби **Хусрав Нозирий**;
Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти бош котиби **Йенс Столтенберг**;

Жаҳон туризм ташкилоти бош котиби **Зураб Пололикашвили**.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

2022 йилда машаққатли ва жасоратли меҳнатимиз билан тараққиёт йўлида муҳим марраларга эришдик. Инсон кадрини улуғлаш, халқимизни рози қилиш борасида янги қадамлар қўйдик.

Дунёдаги ғоят мураккаб вазият, глобал инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Саноат, қурилиш, рақамли технологиялар, туризм соҳалари жадвал ривожланмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз, бу-

тун юртимиз ҳар томонлама обод бўлмоқда.

Янги иш ўринлари ташкил этилиб, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси ошмоқда.

Ёшларимиз халқаро майдонларда истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Ватанимизни дунёга танитмоқда.

Халқ овози бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кучаймоқда.

Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик ҳукм сурмоқда.

Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалмоқда.

Шу қутлуғ айёмда эришган барча ютуқларимизнинг бунёдкори бўлган сиз, азиз юртдошларимга, бутун халқимизга яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимизда 2023 йилга

«**Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили**», деб ном бердик.

Янги йилда инсонни қадрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларимизни юқори босқичга кўтарамиз.

Фарзандларимиз сифатли таълим ва тарбия олиб, баркамол шахс бўлишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Муҳтарам фахрийларимиз, азиз аёлларимиз, шунингдек, ёрдамга муҳтож инсонлар учун муносиб шароит яратиш эътиборимиз марказида бўлади.

Илм-фан, тиббиёт, маданият ва санъат соҳалари вакилларини, ўқитувчи ва мураббийларни қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратамиз.

Муҳтасар айтганда, жонажон Ватанимизда ҳеч бир инсон жамиятимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборидан четда қолмайди. Бу-

нинг учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Қалбларимиз пок ниятларга тўлиб турган ушбу қувончли лаҳзаларда сизларни, бутун халқимизни янги – 2023 йил билан яна бир бор чин дилдан муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, оилавий бахту саодат тилайман.

Янги йилнинг қадами қутлуғ келсин!

Барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Сирдарё вилояти Раёбат

Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси томонидан Сирдарё вилояти касабга уюшма фаоллари Янги йил арафасида раёбатлантирилди.

Фаоллар ва фахрийларга ЭҲТИРОМ

Тадбирда Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниёзов 2022 йил давомида касабга уюшмаси ўз олдига қўйган режаларни тўлиқ бажаргани, байрамни муносиб нишонлаш учун етарли сабаблар борлиги ва бунда соҳа ходимларининг ҳиссаси катта эканини эътироф этди. Шунингдек, ташкилотнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилади.

Байрам муносабати билан касабга уюшмалари тизимида ишлаган, ҳозирги кунда меҳнат фахрийлари бўлган кексалар ҳолидан хабар

олинди. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. – Тизимда ишлаб кетганимга ўн йилдан зиёд муддат ўтди. Касабга уюшмаларидаги меҳнат йилларимни доимо фахрли билан эслашман, – дейди Янглиш Сатторова. – Вилоят кенгашидан келиб байрам муносабати билан кўнгул сўрашганидан жуда миннатдорман. Бирдан-бир тилагим шу – касабга уюшмаси ходимининг юзи доимо ёруғ бўлсин.

Баҳоидир ҲАМИДЖОНОВ,
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Тошкент вилояти

ЭЗГУ АНЪАНАЛАР БАРДАВОМ

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамда комбинат ходимлари касабга уюшмаси байрам муносабати билан қатор хайрли ишларни амалга оширди. 123 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож пенсионерга, 36 нафар боқувчисини йўқотган оилага тарқатилган озиқ-овқат маҳсулотлари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, 55 нафар байналмилал жангчи, 4 нафар Чернобыль АЭС ҳалокатини бартараф этишда иштирок этган шахсга, 3 нафар Иккинчи жаҳон уруши ҳамда 23 нафар меҳнат fronti фахрийсига манзилли ёрдам кўрсатилиб, ҳар бирига 500 минг сўмдан маблағ тарқатилди. Шунингдек, 343 нафар комбинат ишчи-ҳодимининг ногиронлиги бор, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 110 нафар фарзандига байрам совғалари етказиб берилди.

Комбинат таркибий бўлинуларига бириктирилган таълим муассасалари ҳам йўқланди. Айниқса, 29-30 декабрь кунлари бир гуруҳ нурунийлар учун кўхна Самарқанд шаҳрига уюштирилган саёҳат кўпчилиқда катта таассурот қолдирди.

Феруза БОЗОРОВА,
ОКМК ходимлари касабга уюшмаси кенгашининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси



Фарғона вилояти «Аёллар дафтари»ни варақлаганда

Янги йилга янгича қадамлар билан



Кувасой шаҳрида «Аёллар дафтари»га киритилган 30 нафар хотин-қизга турмуш шароитини яхшилаш, доимий даромад манбаига эга бўлишлари кўмаклаштириш, бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия асосида тилкуви машиналари бепул тарқатилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида қувасойлик эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 86 нафарига худди шундай тилкуви машиналари етказиб берилган эди. «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга манзилли ёрдам кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар давом этмоқда. **Жамшид ЭРГАШЕВ** «ISHONCH»

Ҳукумат ва вазирликлар олдидаги долзарб вазифалар белгилаб берилди

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 30 декабрь куни маъмурий ислохотларни амалга ошириш, Ҳукумат таркиби ва иш тизимини ўзгартириш масалалари, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2023 йилдаги энг муҳим вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилиш аввалида маъмурий ислохотлардан келиб чиқиб, Президент фармон ва қарорларига мувофиқ, лавозимларга янги тайинланган Бош вазир ўринбосарлари ва вазирлар эълон қилинди. Улар мутасадди бўлган соҳалардаги долзарб масалалар, халқимиз олдидаги масъулият ва жавобгарлиги кўрсатиб ўтилди.

Иил мураккаб бўлганига қарамай, иқтисодиётда ижобий натижаларга эришилгани қайд этилди. Хусусан, 2022 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 5 фоиздан юқори суръатда ошган. Экспорт ҳажми 14 фоиз ўсиб, 19 миллиард долларни ташкил этган. Иқтисодиётга 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб соҳанга.

Ижтимоий ҳолда аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда. 2022 йил тарихимизда илк бор пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори минимал истеъмоладан ҳаражатлардан кам бўлмаган даражага чиқди. Маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қўйиб қолган масалаларни ҳал қилишга катта маблағлар йўналтирилди. 2 миллиондан ортиқ кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам берилмоқда. Худудларда таълим ва тиббиёт масканлари, ичимлик суви тармоқлари, йўллар қурилмоқда.

Йиғилишда 2023 йилда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш бўйича вазифалар муҳофизат қилинди. Хусусан, саноатда 5 фоиздан, қишлоқ хўжалигида 3 фоиздан ва хизматлар соҳасида 14 фоиздан зиёд ўсишга эришиш мақсади белгиланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига бизнес учун

шароитларни яхшилаш ҳамда солиқ базасини кенгайтириш, аҳолининг харид қобилиятини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлигига йирик тармоқларда натижадорликни ошириш, саноат борманган туманлар салоҳиятини ўрганиб, уларнинг «ўсиш нукталарини» ишга солиш вазифалари қўйилди. Иқтисодиётни фақат инвестиция ва экспорт олдинга тортиши, келгуси йил экспорт ҳажминини 23 миллиард доллардан ошириш зарурлиги таъкидланди. Умумий қиймати 8 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳа ишга туширилиши ва яна 40 та янги йирик лойиҳа бошланиши қайд этилди.

Транспорт соҳасида йўловчи ташиш хизматларини яхшилаш, барча йўлларнинг рақамли харитасини ишлаб чиқиш, йўлларда сервисни кўпайтириш чоралари белгиланди.

Шунингдек, таълим сифатини ошириш, илм-фан, туризм, маданият ва спортни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш ва фармацевтикада коррупцияни йўқ қилиш, давлат қарамогига муҳтож беморлар билан тизимли ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар изланиши, бундан тизими билан амалда ўзгариш қилиши керак. Ҳаммамиз оддий ва фидойий бўлиб, халқни севиб, қаттиқ меҳнат қилишимиз зарур. Пировард мақсадимиз – халқимизни рози қилиш, – деди Президент.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда 2022 йилда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТЕГИШЛИ ФАРМОНЛАРИ БИЛАН:

– **Владимир Иمامович Норов** бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири лавозимидан озод этилди;
– **Бахтиёр Одиловчи Саидов** Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи этиб тайинланди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири лавозимидан озод этилди.

– **Тимур Аминджанович Ишметов** Президентнинг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амал-

га ошириш масалалари бўйича маслаҳатчининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси молия вазири лавозимидан озод этилди;

– **Абдуқодир Хамидович Тошқулов** Президентнинг ёшлар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари лавозимига тайинланди ва шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимидан озод этилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ БИЛАН:

– **Ачилбай Жуманиязович Раматов** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимига;

– **Джамшид Анварович Кучкар** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимига;

– **Жамшид Абдухакимович Ходжаев** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимига;

– **Зулайхо Бахриддинова Махкам** – Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимига;

– **Шерзод Давлатович Кудбиев** – Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири лавозимига;

– **Лазиз Шавкатович Кудратов** – Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири лавозимига;

– **Бобир Фарҳадович Исламов** – Ўзбекистон Республикаси тоғ-кон саноати ва геология вазири лавозимига;

– **Батир Ирқинович Закиров** – Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири лавозимига;

– **Бехзод Анварович Мусаев** – Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва

бандлик вазири лавозимига;

– **Иброҳим Юлчиевич Абдураҳмонов** – Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазири лавозимига;

– **Хилола Уктамовна Умарова** – Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири лавозимига;

– **Азиз Абдуқахарович Абдухакимов** – Ўзбекистон Республикаси табиат ресурслари вазири лавозимига;

– **Адхам Ильхамович Икромов** – Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири лавозимига;

– **Шерзод Хотамович Шерматов** – Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири лавозимига;

– **Озодбек Ахмадович Назарбеков** – Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири лавозимига;

– **Жўрабек Турсунпулатович Мирзамаҳмудов** – Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири лавозимига;

– **Амрилло Шодиевич Иноятов** – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири лавозимига тасдиқланди.

даги Статистика агентлиги директори лавозимига;

– **Абдушукур Абдуҷамилович Саидов** – Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлиги директори лавозимига;

– **Олим Хайруллаевич Нарзуллаев** – Ўзбекистон Республикаси Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори лавозимига тайинланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН:

– **Акмалхужа Юсупович Мавлонов** – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири лавозимига;

– **Баҳромжон Тураевич Норқобилов** – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири лавозимига;

– **Баҳодир Абдусаломович Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузури-

тон Республикаси Табиат ресурслари вазири лавозимига;

– **Бахтиёр Вахабович Гулямов** – Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазири лавозимига;

– **Агриппина Васильевна Шин** – Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири лавозимига;

– **Нарзулло Наимович Обломуратов** – Ўзбекистон Республикаси табиат ресурслари вазири лавозимига тайинланди.

Манба: t.me/Press_Secretary_Uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН:

– **Улугбек Ахмадович Азамов** – Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазири лавозимига;

– **Алишер Зафар ўғли Саъдуллаев** – Ўзбекистон Республикаси ёшлар сиёсати ва спорт вазири лавозимига;

– **Шерзод Саиджонович Хидоятов** – Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири лавозимига;

– **Нозим Бахтиёрвич Хусанов** – Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири лавозимига;

– **Агриппина Васильевна Шин** – Ўзбекистон Республикаси мактабгача ва мактаб таълими вазири лавозимига;

– **Нарзулло Наимович Обломуратов** – Ўзбекистон Республикаси табиат ресурслари вазири лавозимига тайинланди.

Манба: t.me/Press_Secretary_Uz

Бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийларнинг Тошкент шаҳри аҳолисига МУРОЖААТИ

Қадри пойтахт аҳли, ҳурматли ота-оналар!

Ҳозирги кунда жонажон Ўзбекистонимиз буюк ўзгаришлар жараёнини бошидан кечирмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларига янгилашни ва юксалиш нафасини олиб кирмоқда. Энг муҳими, халқимизнинг ўз кучига, эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Бугунги мураккаб ва шиддатли даврнинг ўзи олдимизга қандай ўткир ва долзарб муаммоларни кўяётганини барчамиз кўриб-билиб туришимиз. Айниқса, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улғун мақсад йўлида дадил илгариллаб бораётган Янги Ўзбекистонда таълим тизими олдида мислсиз вазифалар пайдо бўлмоқда. Чунки биз интилаётган буюк мақсадларни амалга ошириш учун аввало юксак профессионал кадрлар – ўз ишининг чинакам усталари, ҳар қандай шароитда ҳам эл-юртимизга садоқатли ва жонкуяр инсонлар керак.

Бу вазифани амалга оширишда сифатли таълим ва тарбия биз учун сув билан ҳаводек зарур. Бугун ушбу масала мамлакатимиз тақдири ва келажагини, барчамизнинг ҳаёт-мамотимизни белгилайдиган энг масъулиятли ва шарафли ишга айланмоқда. Шунинг учун ҳам ҳурматли Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида 2023 йилни мамлакатимизда «**Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили**» деб эълон қилди.

Биз – ўз ҳаётини ёш авлод тарбиясига бағишлаган ўқитувчи ва мураббийлар буни таълим ва тарбия соҳасига берилган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси сифатида қабул қилмоқдамиз.

Кунги кеча пойтахтимизда устоз ва мураббийлар билан ўтказилган самимий ва очиқ мулоқотда зиммамиздаги вазифаларни янада чуқур ҳис этдик.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг **муаллим ва мураббийларнинг мактабга қўйиладиган талаблари** ва **мураббийларнинг кўриладиган талаблари** ҳақидаги фикрлари кучимизга – куч, ғайрати-

мизга – ғайрат қўшди. Ўзбекистон муаллим ва мураббийлари ҳеч қачон бундай юксак эътиборга, қўлай шароитларга эга бўлмаган.

Тошкент шаҳрининг ўзида сўнгги йилларда кўплаб мактаблар бутунлай янгилашга эга бўлди. Педагоглар фаолияти учун янги-янги имконият ва шароитлар яратилмоқда. Келгуси ўқув йилидан барча мактабларда бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантиришни йўлга қўйиш ташаббуси ҳам инсон қадрини улуғлаш аввало мактабдан, таълим тизимидан бошланаётганини кўрсатади.

Бундай улкан ижобий ўзгаришлар бундан мамлакатимизни қамраб олмоқда.

Дунёда чуқур инқироз давом этаётган ўта мураккаб бир даврда таълим соҳаси учун бундай катта маблағлар ажратиш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Лекин, қанчалик қўйин бўлмасин, Президентимиз халқимиз, фарзандларимизнинг тақдири ва келажагини ўйлаб, соҳа ривожини учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Биз – педагог ходимлар бундай ғамхўрликка жавобан **бебаҳо бойлигимиз бўлган ҳар бир болани – бу менинг болам**, деб Янги Ўзбекистон бунёдкори этиб тарбиялашга бор билим ва салоҳиятимиз, куч-ғайратимизни сафарбар этишга тайёрмиз.

Азиз ота-оналар!

Барчамиз яхши тушунамизки, **таълим-тарбия сифатини ошириш, фарзандларимизнинг мактабда камида иккита чет тилини, компьютер ва касб-ҳунар асосларини ўрганиб чиқишини таъминлаш** барчамиздан биргаликда ҳаракат қилишни талаб этади. Айниқса, болаларимиз учун келгуси ҳаёт йўлини танлашда 11-синфдаги шаклланиш даври муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада устозлар билан бирга ота-оналарнинг ҳам бурчи ва вазифаси муҳим эканини унутмаслигимиз зарур. Муқаддас ислом динимизда ҳам фарзандга яхши таълим ва тарбия бериш ота-онанинг биринчи галдаги вазифаси экани алоҳида таъкидланган албатта бежиз эмас.

Шунинг учун ҳам ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришимиз лозим.

Келгусида янги авлод тарбиячиси бўладиган қизларимизни замонавий билим ва хунарларни

эгаллаган, дунёқарашини кенг инсонлар этиб тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши керак.

Бир сўз билан айтганда, инсон қалби ва онги, аввало, фарзандларимиз ҳаётига нисбатан хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги таҳликали замонда навқирон авлодимиз таълим-тарбиясига бир лаҳза ҳам лоқайд қарашга мутлақо ҳаққимиз йўқ.

Ўғил-қизларимизни мамлакатимизда юз бераётган туб ўзгаришларнинг қадрига этиб, бу жараёнда фаол иштирок этадиган чинакам ватанпарвар инсонлар сифатида вояга етказиш ҳар бир ота-онанинг нафақат орсуси, балки амалий ҳаракатига айланиши лозим.

Доимо ёдда тутишимиз шарт: **тарбия бу – аввало билимини болага меҳр, эътибор ва ғамхўрлик орқали сингдириш демакдир.**

Шу асосда ёш авлодни эл-юртга садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида камол топтириш учун **мактаб – оила – маҳалла ҳамкорлигини** амалда йўлга қўйишимиз керак.

Халқимиз ва Ватанимиз олдидаги масъулиятимизни чуқур англаган ҳолда, бу йўлда барчамиз ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилсак, ҳеч шубҳасиз, миллий таълим-тарбия тизимини албатта янги сифат босқичига олиб чиқамиз, бу борада кўзлаган мақсадларимизга етамиз.

Қадри ватандошлар! Бугун ҳаётнинг ўзи маърифатпарвар боболаримиз айтган фикрлар нақадар тўғри эканини исботлаб бермоқда: «**Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – илмда, нажот – муаллимда**».

Энг муҳими, ҳар бир ота-она, бундан халқимиз қалбидаги орзу-интилишларни ифода этадиган бу сўзлар ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, фаолиятимиз мезонига айланиши зарур.

Президентимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги стратегиясини амалга ошириш учун бор билим, тажриба ва куч-ғайратимизни сафарбар этсак, шу олийжаноб ишга муносиб ҳисса қўшсак, буюк аждодларимиз ва келажақ авлодлар олдидаги бурчимизни шараф билан адо этган бўламиз.

Тошкент шаҳри ўқитувчи ва мураббийлари

Муносабат

Барчаси қонуний

ёхуд аввал ўйлаб, кейин сўзлайлик

Яқинда «gazeta.uz» нашрида «Касаба уюшмалари Федерациясига давлат бюджетидан 150 миллиард сўм ажратилиши мумкин. Бу қанчалик қонуний?» сарлавҳаси остида мақола чоп этилди.

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига давлат бюджетидан маблағ ажратилиши нақадар тўғрилиги масаласи кўтарилган.

Келинг, бунинг қанчалик қонуний эканини кўриб чиқайлик: «Касаба уюшмалари тўғрисида» қонуннинг 13-моддасига кўра, давлат касаба уюшмалари фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида қўллаб-қувватлаши мумкин. Давлат қонун ҳужжатларига мувофиқ касаба уюшмалари фаолиятини бошқача шаклда ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин. Мақолада «Касаба уюшмалари тўғрисида» қонуннинг касаба уюшмалари мулкани шакллантириш манбалари тўғрисидаги 25-моддаси келтирилган. Қонунларни ҳар қандай ҳуқуқий ҳужжат сингари тўлиқ ўқиб чиқиш зарур.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, давлат касаба уюшмалари фаолиятини субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар шаклида ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқача шаклда қўллаб-қувватлаши ҳам мумкин.

Мақолада айтиб ўтилган маблағлар ижтимоий буюртма сифатидаги мақсадли маблағлардир.

«Ташкилотнинг 2020 йил 11 ноябрдаги Уставига биноан Федерация ўз макомига кўра нодавлат-нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз фао-

лиятда, шу жумладан, молиявий фаолиятда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан мустақил бўлиб, уларга ҳисобот бермайди» ва назорат қилинмайди» деган қисмига келадиган бўлсақ, муаллим-лиф бу ерда ҳам ҳужжатнинг қолган қисмига эътибор қаратмаган. Уставнинг юқоридаги нормаси шу билан тугамайди, унинг давомида «қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» деган жумла бор. Демак, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органларига ҳисобот беради.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳукуматлар томонидан касаба уюшмалари ёки касаба уюшмалари томонидан ташкил этилган тузилмаларни молиялаштириш кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган амалиётдир.

Мана бир нечта мисоллар:

ФРАНЦИЯ

Касаба уюшмаларига давлат томонидан бериладиган субсидиялар 2000 йилда «камида 600 миллион франкни» ташкил этган. Ушбу давлат субсидиялари касаба уюшмаларининг муайян фаолиятини молиялаштиришга йўналтирилган.



Масала, 2000 йилда 213 миллион франкни ташкил этган маблағлар касаба уюшмасига сайланган мансабдор шахсларни ўқитиш ёки касаба уюшма таълимига йўналтирилган. Маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий касаба уюшмаларига тўғридан-тўғри субсидиялар ажратиши ёки биноларни бепул таъдим этиши мумкин. Бу, одатда, меҳнат субсидиялари, Франция касаба уюшмалари ҳаракати келиб чиқилишининг тарихий элементидир.

ХИТОЙ

Касаба уюшмаларини молиялаштириш куйидагилар ҳисобидан амалга оширилади: – корхоналар касаба уюшма аъзоларининг иш ҳақидан ўтказиб берадиган 2% лик ажратма; – ойлик иш ҳақининг 0,5% – касаба уюшмаларига аъзолик бадаллари; – хайрия бадаллари, шу жумладан, давлатдан; – касаба уюшмаси томонидан ташкил этилган корхоналар: турфирмалар, меҳмонхоналар ва ҳоказо.

АҚШ

АҚШнинг АФТ-КПП касаба маркази томонидан таъ-

сис этилган Бирдамлик маркази – Solidarity Center 96 фоиздан кўпроқ АҚШ федерал ҳукумати томонидан асосан АҚШнинг халқор тараққиёт ёрдами (ЮСАИД) ва Миллий демократия жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади.

ЯПОНИЯ

1989 йил май ойида Япониянинг РЕНГО касаба маркази (Япония касаба уюшмалари конфедерацияси) томонидан халқор меҳнат алмашинуви ва ҳамкорлигини тарғиб қилувчи ташкилот сифатида ташкил этилган Япония халқор меҳнат жамғармаси (JILAF) Япония ҳукумати томонидан молиялаштирилди.

Энди шу ўринда алоҳида эътибор қаратинг: Ўзбекистонда Мустанқил даври бошлангандан бери қанчадан-қанча болалар оромгоҳлари ёпилиб кетди, қанчаси сотиб юборилди. Бу болаларимизни соғломлаштириш масъулиятини қисқартирмайди? Хушсуйлаштирилган оромгоҳлар фарзандини юборишга ҳамма ҳам қодирми?

Мана шу муаммоларни ижобий ҳал этиш учун қилинаётган ишлар кимга ёқмаяпти?

Яқин кунларда бу саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган инсонларга раҳмат айтасиз, нафақат сиз, балки барча юртдошларимиз раҳмат айтиди. Мен бунга аминман.

Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси юридик бўлими мудири

Табрик

2023

«САЁҲАТ САРИ» УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

**баргангизни 2023 йил
билан қутлайди.
Бахт-саодат,
янгидан-янги омадлар
ҳамиша
ҳамроҳингиз бўлсин!
Эзгу ишларингиз ва
ниятларингиз рўёбга
тиқсин!**

Табрик

«Ishonch»га жавоб берадилар

**Камчиликлар
бартараф
этилди**

2022 йил 24 декабрь куни «Ishonch» газетаси ва www.ishonch.uz сайтида эълон қилинган «Шифохона «хўжайинлари» ёҳуд бемор болаларни сувараклардан ким ҳимоя қилади?» сарлавҳали мақолага РШТЎИМ Бухоро филиали қўйидагича муносабат билдирди:

«Куз ва қиш ойларида ҳар йили ўРИ, грипп, парагрипп ва РС вирусли инфекциялар қайд этилади. Пандемия сабабли аҳоли орасида корона-вирус билан касалланганлар сони ортиши ва ўтказилган касаллик сабабли иммун тизими сустлашганини ҳисобга олсак, бу йили мавсумий касалликлар 1-1,5 ой олдинроқ бошланди. Бу, ўз навбатида, шифохоналарда ўРИ, грипп билан касалланган бемор болалар сонининг кескин ортишига олиб келмоқда. Бундай ҳолат нафақат Бухоро вилоятида, балки бутун республикамиз миқёсида ҳам кузатилаётган.

«Юқоридаги эпидемиологик вазият юзасидан РШТЎИМ Бухоро филиалида қатор чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, болалар бўлими шифохона ички имкониятларидан фойдалана олиб, беморлар сони кескин ошиши натижасида болалар бўлимида санитария қоидаларига риоя қилиш энг устувор масаладир. Ушбу мақсадда болалар бўлимида Бухоро вилояти СЭО ва ЖСБ мутахассиси иштирокида бир неча марта дезинфекция ва дезинсекция ишлари олиб борилди. Шу жумладан, тиббий ходимлар ўртасида тиббий этика ва муомала маданияти борасида тушунтириш ишлари ўтказилди.

«Ishonch» газетаси ва www.ishonch.uz сайтида баён этилган нуқул ҳолатлар шу тариқа бартараф этилди. Муаллиф суваракларни «Шифохона хўжайинлари» дея таъриф қилганидан биров ранжидик, холос. Эски бинодан вақтинча фойдаланиб туришга мажбурлигимизни тушунтирдик. Муҳими, ота-оналарнинг фарзандларини бепоул ва беминнат даволаб юбораётганимиздан розилигидир.

Қ.КАРИМОВ,
РШТЎИМ Бухоро филиали
бош шифокори

Табрик

**«Райгаз» ходими
синовдан ўтди, аммо...**

Ж.Солиев «Худудгаз Фарғона» газ таъминоти Учқўприк тумани филиалининг 2022 йил 5 августдаги тегишли буйруғига асосан Учқўприк газ тўлдириш шохобчасига газ баллонларини тўлдирувчи вазифасига 3 ойлик синов муддати билан ишга қабул қилинади. Бироқ орадан кўп ўтмай, филиал раҳбарининг 23 сентябрдаги буйруғига кўра, у билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 87-моддаси (дастлабки синовдан ўта олмаганлиги)га асосан бекор қилинади.

Бундан норози бўлган Ж.Солиев ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига ариза билан мурожаат қилади. Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарорининг 12-бандида синовдан ўта олмаганлиги сабабли ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинишининг қонунийлигига оид даъволарни кўришда судлар бир қатор ҳолатларни эътиборга олиши кераклиги айтиб ўтилган.

Жумладан, иш берувчи фақат синов натижалари қоникарсиз бўлганда меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли, ходимнинг меҳнат шартномасида белгиланган ишни бажара олмаслиги аниқ фактлар асосида тасдиқланган бўлиши лозим, деб белгилаб қўйилган.

Айни ҳолатда эса, ходим синовдан ўта олмаганини исботловчи ҳеч қандай асослар мавжуд эмас.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига Ж.Солиевнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун даъво аризаси киритилди.

Суднинг ҳал қилув қарорига асосан «Худудгаз Фарғона» газ таъминоти Учқўприк тумани филиалининг 2022 йил 23 сентябрдаги буйруғи бекор қилиниб, Ж.Солиев ўз вазифасига ишга тикланди. Шунингдек, унга етказилган моддий ва маънавий зарар учун 17 миллион сўм ундириб берилишига эришилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Фарғона вилояти
кенгаши бош мутахассиси

Табрик

**«Toshkent univertmagi»
акциядорлик жамияти
бошқаруви ва касаба уюшма
қўмитаси**

**ҳамюртларимизни
Янги йил айёми билан қутлайди.
Ҳаммага тинглик-хотиржамлик, аъло
кайфият ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.
Яратганинг ўзи даромадингизга барака берсин!**

Эълон

Ишон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Хайитова Ойдиниса Бахтиёровнага 2025 йил 1 январгача берилган №01179 рақамли хизмат гувоҳнома си йўқолгани маълум қилинади.

Билдирув

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси университетнинг «Инглиз тили методикаси» кафедраси собиқ профессори **Жамол ЖАЛОЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Табрик

**ҲАҚ ТўЛАШ НЕГА
КЕЧИКТИРИЛДИ?**

Ҳолат бевосита вилоят кенгаши раиси Нусратулло Пардаев томонидан ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

— Жисмоний ва юридик шахсларнинг дебитор қарздорлиги ошиб кетганлиги сабабли маош тўлаш муддатлари кечиктирилган эди, — дейди «Жиззах сув таъминоти» МЧЖ бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Худоев Норматов. — 1 декабрь санасига кўра, ишчи-ҳодимларнинг 350 миллион сўм миқдоридagi иш ҳақи тўлаб берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

«Жиззах сув таъминоти» МЧЖда 1007 нафар ишчи-ҳодим фаолият олиб боради. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгашига ушбу ташкилот ходимлари ариза билан мурожаат қилиб, икки-уч ойдан бери маош берилмаётганлигидан шикоят қилишди.

Илҳом

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАГИ

Янги йил, мен сендан толе сўрайман,
Оппоқ ёғдулар бер, кўзга сурай ман,
Тиниқ туйғулар бер, қалбим ўрайман,
Кумуш қанотларда тахт ола келгин.

Мафрур кел, эгилган бошлар кўрмайин,
Юртимга отилган тошлар кўрмайин,
Меҳр кўзларида ёшлар кўрмайин,
Қадр ола келгин, шаҳд ола келгин.

Ҳолинг не бўлди, деб деҳқондан сўра,
Меҳнатин у уйган хирмондан сўра,
Кўкка кўз тиккан чоғ осмондан сўра!
Юксаклик ола кел, шашт ола келгин.

Муҳаббат – дунёни титратган тугён,
Юракларда тоза ишқ бўлиб уйғон,
Ҳар дил бирла тўлғон, ҳар дил бирла ён!
Муҳаббат ола кел, аҳд ола келгин.

Янги йил, афсона бўлсин бу кеча,
Ёмонга бегона бўлсин бу кеча,
Кел, сирдош дугона бўлсин бу кеча...
Муназвар туйғули қалб ола келсин.

Фақат болам, дея куйган элимга,
Мени шоирам, деб суйган элимга,
Юксакликка қадам куйган элимга
Буояклик ола кел, бахт ола келсин.

Шаҳно АХРОРОВА

Реклама

"Mikrokreditbank" jamoasi sizlarni qutlug' qadamlar ila kirib kelayotgan Yangi 2023-yil bilan samimiy muborakbod etadi!

Yangi yil xonadonlarimizga fayzu baraka, oilalarimizga
shodlik va yurtimizga tinchlik olib kelsin.

Yangi yilingiz muborak bo'lsin!

MKBANKdan "Chery" avtomobillariga imtiyozli shartlarda avtokredit oling:

Kredit muddati - **60 oygacha**;
Boshlang'ich to'lov - **10%** dan;
Yillik foiz stavkasi - **5%** dan;
Kredit miqdori:
Jismoniy shaxslarga - **600 mln. so'mgacha**.
Yuridik shaxslarga - **3 mlrd. so'mgacha**.

Xizmatlar litsenziyalangan.

1285

mkbank.uz @mkbank.uz t.me/mikrokreditbank

SANOAT QURILISH BANK

2023

Aziz yurtdoshlar!

Sizlarni Yangi yil bayrami bilan samimiy
muborakbod etamiz. 2023 yil barchangizning
oilangizga baxt, qalbingizga quvonch,
dasturxoningizga fayzu baraka olib kelsin.

O'zsanoatqurilishbank jamoasi

Xizmatlar litsenziyalangan.

Реклама

| Бу – қизиқ! |

«БОЙВАЧЧА»НИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Янги йил байрами дастурхонининг энг сара неъматларидан бири мандарин бўлиб, унинг ўзига хос тарихи бор.

Қадимги Хитойда мандаринлар бахт, бойлик ва узоқ умр кўриш рамзи ҳисобланган. Айнан шунинг учун ҳам меҳмонга бораётган хитойликлар мезбонларга ана шу мевадан олиб боришган. Мезбонлар ҳам меҳмонларни уйига кузата туриб, уларга мандарин тортиқ қилишган.

«Мандарин» сўзи хитой тилида «бойвачча» маъносини англатар экан. Айнан Хитой мандариннинг ватани саналади. Аста-секин у Осиёнинг бошқа мамлакатлари (Хиндистон, Япония)да етиштирила бошлаган. Мандарин дарахти доим яшил кўринишда бўлади. Мевалари 6 ойдан 8 ойгача бўлган вақтда пишади. Битта дарахт ўртача 600 донга яқин мева беради.

Олимлар мандарин кайфияти кўтаришини аниқлашган. Мандарин ҳиди хавотир ва зўриқишлардан халос этиб, одамга кўтаринки руҳ бағишлайди. Мандарин таркибида нитратлар йўқ. Бу уларнинг мевасида лимон кислотаси кўпчилиги билан боғлиқ. У ўз хусусиятлари билан зарарли таъсирларни нейтраллаштиради.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
тайёрлади

МУАССИС:

O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi

ISSN 2010-5009
2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари
таҳрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ
(Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

Ҳудудлардаги
муҳбирлар:

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Ҳайдаров

Мусахҳиҳлар:
Д. Худойберганова,
Д. Равшанова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **22:40**
Топширилди – **22:50**

Баҳоси келишилган нархда

Манзилмииз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Таҳририят хисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТПР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ,
Бюролма **Г-113**
Нашр кўрсаткичи: **133**
1 2 3 4 5 6

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида
15618 нусxada чоп этилди.
Умумий адади **32427**
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буоқ Турон кўчаси, 41-уй.